



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 18.08.2022 г. № 6

между чп "МИРОБ КУРИЛИШ СЕРВИС" и Куйи Сирдарё ИТХБ қошидаги Сирдарё насос станциялари энергетика бошқармаси на общую сумму 100543370,00

Глава _____ 170
Казначейский лицевой счёт _____ 100021860244017042402170003

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4333900			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август	100 543 370,00			100 543 370,00
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	100 543 370,00			100 543 370,00

Всего 100543370,00 сум

Сто миллионов пятьсот сорок три тысячи триста семьдесят сум
00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 30163011,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(*) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

Главный бухгалтер заказчика

Принял работник казначейского подразделения _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

(подпись)

Абдуллаев Давронжон Вахобжон ўгли

Ф.И.О.

(подпись)

Тўйчибаев Манасбой Бабаназарович


Ф.И.О.

Получил работник
заказчика _____

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

“TASDIQLAYMAN”
Sirdaryo nasos stansiyalari va
Energetika boshqarmasi boshlig‘i
o‘rinbosari-komissiya raisi

 **B. Mamatqulov.**

Sirdaryo nasos stansiyalari va energetika boshqarmasi xisobidagi vertikal tik quduqlardagi ETsV rusumli nasoslarini loyixa-smeta xujjatlari va ekspertiza xulosasiga asosan mukammal ta‘mirlash ishlarini shlab chiqishga doir e‘longa qo‘yilgan 22110012133138-sonli lotga asosan eng yaxshi takliflarni aniqlashda 2022-yil 15-avgustdagi davlat xaridlari maxsus axborot portalida elektron shakllangan dastlabki bayonnomaning muhokoma uchun qo‘yilgan 2 ish kuni davri natijalari bo‘yicha xarid komissiyasi yig‘ilish

BAYONI - 17

2022 yil 18 avgust

Guliston shahri

KUN TARTIBI:

22110012133138-sonli lot bo‘yicha 2022-yil 15-avgust kunida elektron shakllangan dastlabki bayonnomaning davlat xaridlari maxsus axborot portaliga muhokoma uchun qo‘yilgan 2 ish kuni davri natijalarini ko‘rib chiqish.

(B. MAMATQULOV, X. CHINIBEKOV, SH. JO‘RAYEV., N. ABDULLAYEV, A. AXMATOV, J. TURSUNOV)

1. Sirdaryo nasos stansiyalari va energetika boshqarmasi xisobidagi vertikal tik quduqlardagi ETsV rusumli nasoslarini loyixa-smeta xujjatlari va ekspertiza xulosasiga asosan mukammal ta‘mirlash ishlarini ishlab chiqish bo‘yicha g‘olibni aniqlashda 2022 yil 15-avgustdagi dastlabki elektron bayonnomaga asosan "MIROB QURILISH-SERVIS" MCHJ (Sirdaryo viloyat, Sardoba tuman, Fayzliobod mahallasi, STIR (300601249) xarid qilish tartib-taomillari yakunlariga ko‘ra summasi **100 543 370 so‘m qqs bilan** va ushbu xizmatlarni bajarish muddati **60 kunga** berilgan taklifi eng maqbul deb topilgan edi.

Ma‘lumot uchun: 2022 yil 5-avgust kuni O‘zbekiston Respublikasi Tovar xom ashyo birjasining maxsus elektron portaliga (etender.uzex.uz) eng yaxshi takliflarni tanlash bo‘yicha hujjatlar 22110012133138-son lot bilan e‘lon joylashtirilgan.

Bunda, "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunga asosan davlat buyurtmachisi tomonidan dastlabki electron bayonnoma rasmiylashtirilgan kunda davlat xaridlarining elektron tizimiga muhokama qilish uchun ikki ish kuniga joylashtirilishi kerakligi belgilangan.

Shuningdek, ikki ish kuni ichida tanlash ishtirokchilari tomonidan tanlash o'tkazish natijalari bo'yicha e'tirozlar kelib tushmaganligi hamda muhokama uchun belgilangan muddat tugaganidan keyin kelib tushgan e'tirozlar xarid komissiyasi tomonidan ko'rib chiqilmasligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. Tanlov Komissiya kotibi (J. Tursunov):

Davlat buyurtmachisi tomonidan xarid komissiyasiga taqdim etilgan muhokama natijalari to'g'risidagi axborot asosida xarid komissiyasining majlisi bayonnomasi rasmiylashtirilib va imzolangan kundan boshlab uch ish kuni ichida davlat xaridlarining elektron tizimiga joylashtirsin.

Tanlash natijalari bo'yicha tuzilgan shartnoma to'g'risidagi axborot Tanlov komissiya kotibi tomonidan maxsus axborot portaliga u tuzilgan kundan boshlab uch ish kundan kechiktirmay joylashtirsin.


Asos: "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 62-moddasi

3. Moliya-iqtisod bo'limi boshlig'i (M.To'ychibayev) tuzilgan shartnomaga muvofiq tegishli to'lovlarni amalga oshirsin.

Komissiya a'zolari:




X. CHINIBEKOV



SH.JO'RAYEV



N. ABDULLAYEV



A. AXMATOV

Komissiya kotibi



J. TURSUNOV

Гулистон шаҳри

"18" 08. 2022 йил

"MIROB QURILISH SERVIS" МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи директор Ф.Шералиев бир томондан (бундан буён матнда "Бажарувчи" деб юритилади) ҳамда Сирдарё насос станиялари ва энергетика бошқармаси номидан низом асосида иш юритувчи бошлик Д.Абдуллаев, иккинчи томондан (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) куйдагилар хақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

т/р	Махсулот (хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир донасининг нархи	Умумий нархи
1	Оқолтин туман С.Сиддиқов худудидаги 08-01-2МҚ вертикал дренажининг ЭЦВ 10-160-35 насосини мукамал таъмирлаш.	дона	1	7 956 373	7 956 373
2	Гулистон шаҳар 1 мавзе (РМЗ) худудидаги 08-09-32МҚ вертикал дренажининг АТХ ХИНД насосини мукамал таъмирлаш.	дона	1	7 956 365	7 956 365
3	Гулистон шаҳар Маданият маҳалласидаги 08-09-18МҚ вертикал дренажининг АТХ ХИНД насосини мукамал таъмирлаш.	дона	1	7 956 365	7 956 365
4	Гулистон шаҳар Маданият маҳалласидаги 08-09-17МҚ вертикал дренажининг АТХ ХИНД насосини мукамал таъмирлаш.	дона	1	7 956 365	7 956 365
5	Гулистон шаҳар Маданият маҳалласидаги 08-09-14МҚ вертикал дренажининг АТХ ХИНД насосини мукамал таъмирлаш.	дона	1	7 956 365	7 956 365
6	Гулистон шаҳар Ойбек маҳалласидаги 08-09-9МҚ вертикал дренажининг АТХ ХИНД насосини мукамал таъмирлаш	дона	1	7 956 365	7 956 365
7	Сирдарё туман Малек худудидаги 08-05-28МҚ вертикал дренажининг ЭЦВ 12-255-30 насосини мукамал таъмирлаш	дона	1	8 594 015	8 594 015
8	Сирдарё туман Истиклол худудидаги 08-03-3СҚ вертикал дренажининг ЭЦВ 8-40-60 насосини мукамал таъмирлаш	дона	1	9 886 360	9 886 360
9	Сирдарё туман Ўзбекистон худудидаги 08-05-17МҚ вертикал дренажининг ЭЦВ 10-63-65 насосини мукамал таъмирлаш	дона	1	9 971 061	9 971 061
10	Сирдарё туман Малек худудидаги 08-03-5СҚ вертикал дренажининг ЭЦВ 10-160-35 насосини мукамал таъмирлаш	дона	1	8 117 912	8 117 912
11	Сирдарё туман Охунбобоев худудидаги 08-05-40МҚ вертикал дренажининг ЭЦВ 10-160-35 насосини мукамал таъмирлаш	дона	1	8 117 912	8 117 912

12	Сирдарё туман Ўзбекистон худудидаги 08-05-11МҚ вертикал дренажининг ЭЦВ 10-160-35 насосини мукамал таъмирлаш	дона	1	8 117 912	8 117 912
Жами			12		100 543 370

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.5. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларини бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.6. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.7. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.8. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

- Бажарувчи рангли ва қора металлларни Буюртмачига қайтариб беришни ўз зиммасига олади.

III. ФОРС-МАЖОР

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.4. Ушбу шартноманинг баҳоси **100 543 370** (Бир юз миллион беш юз қирқ уч минг уч юз етмиш сўм 00 тийин) сўм, ҚҚС билан.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.5. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдоридан олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисоб рақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.6. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.9. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.10. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.11. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисоб варақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ҳазначилик штампда кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.12. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.13. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.14. Белгиланган микдордан ортик битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўдирилиши лозим, Буюртмачининг олдидан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.15. Кўрсатилган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қуяди.

4.16. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.7. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, микдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% микдорида жарима тўлайди.

5.8. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% микдорида жарима тўлайди.

5.9. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида етказилган зарарни қоплайди.

5.10. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий микдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.11. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов микдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

5.12. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Гулистон туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сунг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тулик ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиклар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга еки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига қучирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас қуч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада курсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқлиниши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан узаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида қуриладиган чоралар тўғрисида келишиб олади.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг уз мажбуриятларини бажаришига тусқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қўйилган санасидан 10 (ун) иш кўни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча туловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тулик тулайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевоқиф ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш-олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузганидан ҳар қандай ҳолатда амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларнинг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай қафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоқлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.10. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш кўни ичида юборилиши керак.

8.11. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш-бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузганидан ҳар қандай ҳолатда амалга оширилади.

8.12. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб- таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб- таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.13. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини

пайкаришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор килинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.14. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.15. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича - тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

15.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

15.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.5. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор килиниши мумкин.

10.6. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.7. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусxada тузилди.

10.8. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

«Бажарувчи»

"MIROB QURILISH SERVIS" MЧЖ

Сардоба тумани., Файзобод мах.Дўстлик кўч.41 уй

х/р 2020 8000 1046 5448 8001

Тошкент ш. АТБ Қишлоқ қурилиш банк

Бош амалиётлар бошқармаси

МФО: 01037

ИНН : 300 601 249

« Буюртмачи»

Сирдарё НС ва ЭБ

Гулистан ш., А.Темур кўчаси 53-уй

л/с 1000 218 602 440 170 424 021 7003

МФО: 00014 ИНН: 200 969 694

ОКЭД: 22100

М.Б.Х.К.К.М. Тошкент ш. М.Б.

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

х/р 23402000300100001010

ИНН: 300 601 249



Ф.Шералиев



Д.Абдуллаев

ЧП "МИРОБ КУРИЛИШ СЕРВИС" va "Sirdaryo NS va E.Boshqarmasi" o'rtasida 18 avgust 2022 yildagi 6 sonli 100 543 370 so'm 00 tiyin ga tuzilgan shartnoma hujjatlari xuquqiy ekspertizadan o'tkazish to'g'risida

X U L O S A № 46

18 avgust 2022 yil

Guliston shaxri

Ushbu shartnoma O'zbekiston Respublikasi «Xo'jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to'g'risida»gi qabul qilingan qonun talablariga asosan tuzilgan.

Ushbu shartnoma yuqorida ko'rsatilib o'tilgan «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to'g'risida»gi qonunning va Nizomning talablariga mos keladi.

Shartnoma nizolarini xal qilish qonun hujjatlarida belgilangan tartibda xo'jalik sud tomonidan, yoki taraflarning kelishuviga asosan xal qilinishi belgilangan.

Yuqoridagilarni inobatga olib ЧП "МИРОБ КУРИЛИШ СЕРВИС" va "Sirdaryo NS va E.Boshqarmasi" o'rtasida 18 avgust 2022 yildagi 6 sonli 100 543 370 so'm 00 tiyin ga tuzilgan shartnoma hujjatlari qonuniy jihatdan to'g'ri tuzilgan.

Sirdaryo NS va Ebohqarmasi
xuquqshunosi:



U.Mirboboev



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MIROB QURILISH-SERVIS" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MIROB QURILISH-SERVIS" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.10.2007

72

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

300601249

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Sirdaryo viloyati, Sardoba tumani, Fayzliobod mahallasi, Do'stlik mahallasi,

Guvohnoma:

Sirdaryo viloyati, Sardoba tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):



Sirdaryo viloyati, Sayxunobod tumani

Daylat xizmatlari markazi
tomonidan

2018-yil 21 - noyabr da

№ 22 - son reestr

raqami bilan qayta

«RO'YXATGA OLINGAN»



«МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС»


mas'uliyati cheklangan jamiyati

ishtrokchilarining 2018-yil 19-

noyabrdagi 1-son umumiy yig'ishi

bayonnomasi bilan

«TASDIQLANGAN»



«МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС»

масъулияти чекланган жамиятининг

УСТАВИ

(янги тахрирда)

Сайхун – 2018 йил

1. Умумий қондалар.

1.1. “МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС” масъулияти чекланган жамият бундан кейин «Жамият» деб юритилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз махсулотлари, иш (хизмат)ларига бўлган талабини қондириш мақсадида таъсис этилган ҳамда “МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС” хусусий корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Жамиятнинг тўлиқ номи: “МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС” масъулияти чекланган жамияти.

Жамиятнинг қисқартирилган номи: “МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС” МЧЖ.

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ номи: Общество с ограниченной ответственностью “МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС”.

Жамиятнинг рус тилидаги қисқартирилган номи: ООО “МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС”.

1.2. Жамият таъсисчилари:

1. **Sheraliyev Farrux Rastamovich** (паспорт маълумотлари: AA2377981; 31.07.2013 йил Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани ИИБ дан берилган). **Яшаш манзили:** Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Навоий шох кўчаси.

2. **Mansurov Mirfozil Yulchibayevich** (паспорт маълумотлари: AA6967055; 09.09.2014 йил Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани ИИБ дан берилган). **Яшаш манзили:** Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Ойбек кўчаси.

1.3. Жамият давлат рўйхатидан ўтиши билан юридик шахс ҳисобланади, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги, Таъсис шартномаси ва мазкур Устав асосида олиб боради.

Жамият мустақил баланси, банк ҳисоб-рақами, ўз номи ёзилган юмалок муҳри, бурчак тамғаси, товар белгиси ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

Жамият алоҳида мулкка эга бўлиб, ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида фаолият юритиб, ўз номидан мулкий ва хусусий номулкий ҳуқуқга эга бўлади, хўжалик судларида даъвогар ва жавобгар бўлади.

Жамият ўз Уставида белгиланган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида юридик ва жисмоний шахслар билан турли олди-сотди операцияларини Қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади, у бошқа юридик шахслар, филиаллар, ваколатхоналар, хўжалик ҳисобидаги бўлинмалар очиш ҳуқуқига эга бўлиб, уюшма ва бирлашмаларга аъзо бўлиб қиради, шунингдек, Уставада белгиланган вазифаларни бажариш учун бошқа вазифаларни амалга оширади.

1.4. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунлари бўйича ундирилиши мумкин бўлган мулк билан жавоб беради.

Давлат, унинг идоралари ва ташкилотлари жамият мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ўз навбатида жамият ҳам давлат, унинг идоралари ва ташкилотлари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, жамият иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўзлари қўшган хиссалари қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

1.5. Жамият чекланмаган муддатда фаолият юритади.

1.6. Жамият жойлашган манзили: Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани Шодлик маҳалласи, К.Муродов кўчаси.

2. Жамиятнинг фаолияти мақсади ва вазифалари.

2.1. Жамиятнинг асосий фаолият турлари қуйидагилардан иборат:

- ◆ Юридик ва жисмоний шахсларга маъморий лойиха смета, умумқурилиш, қурилиш-монтаж, қурилиш-таъмирлаш ва махмуслаштирилган қурилиш ишлари бўйича хизматлар кўрсатиш;
- ◆ Аҳолига озик-овқат ва ноозик овқат махсулотларини чакана сотиш;
- ◆ Спиртли ичимликлар савдоси;
- ◆ Мактабгача таълим муассасалари фаолияти;
- ◆ Жисмоний ва юридик шахсларга пуллик автотранспорт хизматлари кўрсатиш;
- ◆ Умумий овқатланиш фаолияти;
- ◆ Транспорт воситаларида юк ташиш хизматларини амалга ошириш;
- ◆ Ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- ◆ Нон, макарон ва қандолат махсулотлари ишлаб чиқарш ва сотиш;



- ◆ Бино ва иншоотларни қуриш ва қайта таъмирлаш;
- ◆ Алкаголли махсулотларни чакана сотиш;
- ◆ Умумқурилиш фаолияти;
- ◆ Автомобиллар тўхташ жойи ва автомобилларни ювиш шахобчаси очиш;
- ◆ Дорихоналар ташкил қилиш;
- ◆ Чорвачилик балиқчилик ва паррандачилик билан шугулланиш
- ◆ Барча турдаги қурилиш молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ◆ Компьютер, принтер, ксерокопия ва оргтехникаларни таъмирлаш ва сошлаш;
- ◆ Оргтехникалар, компьютер, ксерокопияларни таъмирлаш;
- ◆ Маиший техника моллари ва электро двигетеллар савдоси билан шугулланиш;
- ◆ Қонунда белгиланган тартибда кенг турдаги чакана ва улгуржи савдо билан шугулланиш;
- ◆ Қонунда белгиланган тартибда кенг турдаги тамаки махсулотлари чакана ва улгуржи савдоси билан шугулланиш;
- ◆ Макарон махсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- ◆ Аҳолига кенг соҳада маиший хизмат кўрсатиш;
- ◆ Дори воситалари ва тиббиёт ускуналари билан кенг турдаги улгуржи ва чакана савдо қилиш;
- ◆ Шифохоналар ва даволаш муассасаларини ташкил этиш;
- ◆ Сиқилган ва суюлтирилган ва газга мослашган балонларни таъмирлаш ва синовдан ўтказиш;
- ◆ Автомобилларга газ ускуналари ва жихозларини таъмирлаш;
- ◆ Автотранспорт воситаларини ижарага бериш ва олиш;
- ◆ Нефть ва газ заправкалари очиш ва хизмат кўрсатиш;
- ◆ Автотеххизмат, вулканизация, аккумулятор цехлари ташкил қилиш;
- ◆ Маиший техника молларини таъмирлаш ва сошлаш;
- ◆ Қишлоқ хўжалик (мева-сабзавот) махсулотлари уруғлигини экспорт қилиш;
- ◆ Экспорт ва импорт фаолияти билан шугулланиш;
- ◆ Божхона декларанти фаолиятини амалга ошириш ва Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган импорт) ва олиб чиқилаётган (экспорт) товар (иш ва хизмат)ларнинг барча тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш фаолияти билан шугулланиш;
- ◆ Кўрсатилган фаолиятларни ва бошқа хизмат ва ишларни бажарган ҳолда нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан туловларни амалга ошириш;
- ◆ Юқоридаги фаолият турларидан лицензия талаб этилувчи фаолият турлари Қонунда белгиланган тартибда тегишли лицензияларни олгандан сўнг амалга оширилади;
- ◆ Қонунчилик билан тақиқламаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

3. Жамиятнинг Устав фонди.

3.1. Жамиятнинг Устав фонди **8 000 000 (саккиз миллион)** сўмдан иборат бўлиб, у шайхонларнинг мулкӣ улушларидан таркиб топган.

№	Фамилияси ва исми	Улуш фонзда	Улуш сўмда	Изоҳ
1.	Sheraliyev Farrux Rustamovich	50 %	4 000 000	Мулкӣ кўринишда.
2.	Mansurov Mirfozil Yulchibayevich	50 %	4 000 000	Мулкӣ кўринишда.

3.2. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши (бундан кейин йиғилиш дейилади) қарори билан Устав фонди кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Устав фондининг кўпайтирилиши иштирокчиларнинг улушлари бўйича мутаносиб равишда ёки улар уртасидаги келишув йўли билан амалга оширилади.

Устав фондининг камайтирилиши жамиятдан бир ёки бир неча иштирокчиларнинг чиқиб кетиши билан бўлган ҳолларда, чиқиб кетаётган иштирокчиларнинг улушини жамият ёки бошқа учинчи шахс сотиб олмаган ҳолларда амалга оширилади.

Устав фонди Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида ўрнатилган минимал хажмгача камайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг ўз Устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарори белгиланган тартибда қонунда эълон қилингандан сўнг камида уч ой ўтгандан кейин кучга киради.



3.3. Жамият иштирокчилари бошқа иштирокчиларнинг розилиги билан ўз улушларини (улушнинг бир қисмини) бир ёки бир неча иштирокчига ёки учинчи шахсга беришлари мумкин.

Жамият иштирокчилари бу улушни (улушнинг бир қисмини) жамиятнинг Устав фондидаги улушига мутаносиб равишда олишларида имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар. Улушларни (улушнинг бир қисмини) учинчи шахсга жамият иштирокчиларининг маънафатлари кондирилгандан сўнг бериш мумкин.

Иштирокчининг улуши унинг томонидан тулик киритилгач, жамиятнинг узи томонидан сотиб олиниши мумкин. Бундай ҳолларда жамият бу улушни бир йил ичида бошқа иштирокчиларга ёки учинчи шахсга бериши мумкин. Бу даврда фойдани тақсимлаш, йиғилишларда овоз бериш ва аъзорумини аниқлаш жамият сотиб олган улуш ҳисобга олинмаган ҳолда амалга оширилади.

3.4. Иштирокчи жамиятдан чиқаётганда унинг Устав фондидаги улушига мутаносиб равишда жамият мулки қийматининг бир қисми тўланади. Чиқиб кетаётган иштирокчига у чиқиб кетаётган ҳолатдаги жамият олган фойданинг бир қисми тўланади. Иштирокчиларга фойдаланиш берилган ҳолда мулк жисмоний ишдан чиқиши эътиборга олинган ҳолда, мукофотсиз натурал формада қайтарилади.

4. Даромадларни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби.

4.1. Солиқлар, Қонунчиликда ўрнатилган бошқа мажбурий туловлар ва ўз мажбуриятлари бўйича туловлар тулангандан сўнг қолган фойда жамият тасарруфида қолади ва жамият фондларини шакллантиришга йуналтирилади.

4.2. Фондлар таркиби, ҳажми, шакллантириш ва фойдаланиш тартиби йиғилиш томонидан белгиланади.

4.3. Фойданинг бир қисми иштирокчиларга уларнинг Устав фондидаги улушига мутаносиб равишда дивиденд тарзида тўланади. Агар йиғилиш бошқача қарор қабул қилмаган бўлса, дивидендларни тулаш йил якунлари бўйича амалга оширилади.

4.4. Жамиятнинг хўжалик фаолияти натижаларига қараб пайдо бўлиши мумкин бўлган зарарлар маънафатлари ҳисобидан, агар бу фондда етарлича маблағ бўлмаса, бошқа фондлар ва жамият фондларини ҳисобидан қопланади.

5. Жамият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

5.1. Жамият иштирокчиси қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- жамият ишларини бошқаришда таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш;
- жамият фаолиятдан ҳисобланган фойда (дивиденд)ни пул ёки натурал шаклда олиш;
- жамият фаолияти ҳақида ахборотни сўраган кунидан бошлаб, беш кун ичида олиш, шу ҳисобидан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳақидаги маълумотлар, бошқа ҳужжатларни олиш;
- ўрнатилган тартибда жамият таркибидан чиқиш;
- жамият ишлаб чиқараётган маҳсулот (хизмат)ни олишда имтиёзли ҳуқуққа эга, Қонунчилик ва таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга.

5.2. Жамият иштирокчисининг мажбуриятлари:

- жамиятнинг таъсис ҳужжатларидаги қоидаларга риоя қилиш, йиғилиш ва жамиятни бошқариш бошқа органларининг қарорларини бажариш;
- улушларни таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда, ҳажмда ва усулларда қўшиш;
- тижорат сирини бўлган жамият фаолияти ҳақида ахборотларни ошкор қилмаслик;
- Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ва таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

6. Жамиятнинг бошқарув органи.

6.1. Жамиятнинг юқори бошқарув органи таъсисчининг қарори ҳисобланади.

Жамият таъсисчиси йиғилишларда ўз ваколатини бошқа таъсисчига ёки бошқа таъсисчининг ваколатига бериши мумкин.

6.2. Қуйидагилар йиғилишнинг алоҳида ваколатига киради:

- жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, унинг режалари ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;
- жамият Уставига ўзгариш ва қўшимчалар киритади;
- бош директор ва тафтиш комиссиясини тайинлайди ва ишдан озод қилади, уларнинг фаолият курсатиш тартибини тасдиқлайди;

- жамият, шу жумладан унинг филиаллари фаолиятининг йиллик натижаларини, шунингдек, хисоботлар ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини, даромадлари (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартибини тасдиқлайди;

- филиаллар ва ваколатхоналар очиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, уларнинг Устави (Устави)ни тасдиқлайди;

- жамият бошқаруви органлари мансабдор шахсларини мулкый жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

- процедуралар тартиби ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлаш, жамиятнинг ташкилий тузилмасини аниқлайди;

- Устав фондига ўзгартиришлар киритади;

- жамият бошқарув органлари, унинг филиаллари ва ваколатхоналари амалдор шахслари меҳнатига ҳақ тулаш тартибини белгилайди;

- корхона фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади, тугатиш комиссиясини тайинлайди, тугатиш балансини тасдиқлайди;

- иштирокчилар томонидан қўшимча бадаллар киритиш ҳажми, шакли ва тартибини ўрнатади;

- жамият томонидан иштирокчининг улушини сотиб олиш масаласини хал қилади;

- иштирокчини жамиятдан чиқаради.

Жамият Уставига кўра, йиғилишнинг алоҳида ваколатига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

6.3. Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш билан боғлиқ масалаларни, унинг режа ва уларнинг бажарилиши ҳақидаги хисоботларни тасдиқлаш, жамият Уставига ва Устав фондига ўзгартиришлар киритиш бўйича қарорлар жамият иштирокчиларининг кўпчилиги - тўртдан уч қисми овози билан, бошқа масалаларда оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Иштирокчини жамиятдан чиқариш масаласи курилаётганда, ўша иштирокчи ёки унинг вакили овоз беришда қатнашмайди.

Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси иштирокчиларнинг йиғилишида бирор масалани кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақлидир, бунда у кўйган масала йиғилиш ўтказилишидан йигирма беш кун олдин билдирилиши керак.

Йиғилиш бир йилда камида икки марта чақирилади.

Жамият иштирокчилари умумий овознинг йигирма фоизидан кўп овозга эга бўлса, хоҳлаган масалада ва хоҳлаган вақтда навбатдан ташқари йиғилишни чақиришга ҳақлидир. Агар жамият раиси йигирма кун ичида кўрсатилган талабни бажармаса, улар иштирокчиларнинг йиғилишини чақиришга ҳақлидирлар.

Йиғилишни ўтказиш тартибига иштирокчилар томонидан бир йил муддатга сайланган жамият раиси раҳбарлик қилади.

Навбатдан ташқари йиғилиш жамият раиси, бош директор ёки тафтиш комиссиясининг талаби билан ҳам чақирилиши мумкин.

6.4. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни йиғилишда сайланган ва йиғилишга хисоботдор бўлган бош директор амалга оширади.

Бош директор билан меҳнат шартномаси (контракти)ни йиғилиш қарори билан раис ёки жамиятнинг бошқа бир иштирокчиси тузади. Бош директор таъсисчилар томонидан назарда тутилган даврга сайланиши мумкин. Жамиятнинг ижро органи коллегиял равишда (дирекция) ёки яқка хол равишда (бош директор) тузилиши мумкин.

Бош директор йиғилиш қарорлари бажарилишини ташкиллаштиради, жамият номидан ишонч қозғасиз шартномалар ва бошқа олди-сотди битимлари тузади, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатларда жамият фаолиятига дахлдор барча масалалар бўйича жамият манфаатларини ҳимоя қилади.

6.5. Бош директорнинг молия-ҳўжалик фаолияти устидан назоратни иштирокчиларнинг умумий йиғилишида тузиладиган, 3 кишидан иборат бўлган тафтиш комиссияси олиб боради.

Бош директор тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси жамиятнинг мансабдор шахсларидан барча зарур материаллар, бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатлар ва шахсий тушунтиришларни талаб қилишга ҳақлидир.

Тафтиш комиссияси ўтказилган текшириш натижаларини бош директорга ва йиғилишга тақдим этади, йиллик ҳисоботлар натижалари бўйича хулоса тузади, тафтиш комиссиясининг хулосасиз жамият баланси йиғилиш томонидан тасдиқланмайди.

Текширишлар йилига камида бир марта ўтказилади. Навбатдан ташқари текширишлар йиғилишда йигирма фонддан кўп овозга эга бўлган иштирокчиларнинг талаби билан ўтказилиши мумкин.

Тафтиш комиссияси жамият манфаатларига зиён этаётган бўлса, ёки жамиятнинг мансабдор раҳбарлари сунистеъморликка йўл кўяётганини аниқласа, навбатдан ташқари йиғилишни чақиришга ҳақлидир.

7. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

7.1. Жамият фаолиятини тўхтатиш қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) шаклида амалга оширилади.

Жамиятни қайта ташкил этиш пайтида унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқ ворисига ўтади.

Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинади.

7.2. Жамият куйидаги ҳолларда:

- жамият иштирокчисининг қарори бўйича;
- жамият банкротликка учраган, жамиятни рўйхатга олиш ҳақиқий эмас деб топилган, фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) юритилган ёки Қонунда тақиқланган ва Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда суд қарори билан тугатилиши мумкин.

7.3. Жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ёки орган жамиятни рўйхатга олган идора билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайдилар ҳамда жамиятни тугатиш тартиби ва муддатини белгилайдилар.

Тугатиш комиссияси тайинланиши билан жамият ишларини бошқариш соҳасидаги ваколатлар унинг ихтиёрига ўтади. Тугатиш комиссияси жамият номидан судларда иштирок этади.

Тугатиш комиссияси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар босиб чиқариладиган матбуот органларида жамиятни тугатиш, унинг кредиторлари талабларини кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби тўғрисидаги эълонни чоп эттиради. Бу муддат жамият тугатилиши ҳақидаги эълон чиққан кундан бошлаб, икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

7.4. Жамиятни тугатиш процедуралари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

7.5. Кредиторларнинг талаблари каноатлантирилгандан сўнг қолган мулк ва маблағлар жамият иштирокчиларига тегишли бўлади.

7.6. Юридик шахсларни рўйхатга олиш ягона давлат реестрига жамият тугатилиши ҳақидаги қайдлар киритилганидан сўнг жамиятни тугатиш тамомланган, жамият фаолияти эса тугаган ҳисобланади.

**“МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС”
МЧЖ таъсисчилари:**



1-таъсисчи

Ф.Шералнев

2-таъсисчи

М.Мансуров

Сайхунобод тумани
Давлат хизматлари маркази

2018 йил «21» ноябр даги
72 сон билан

“ТАСДИҚЛАНДИ”

“МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС”

масъулияти чекланган

жамияти таъсисчиларининг
2018 йил 19 11 даги 1-сон
умумий йиғилиш қарори билан

“ТАСДИҚЛАНДИ”

“МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС” МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ
ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ

2018 йил “ ”

Сайхун ш

1. **Sheraliyev Farrux Rastamovich** (паспорт маълумотлари: AA2377981; 31.07.2013 йил Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани ИИБ дан берилган). **Яшаш манзили:** Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Навоий шох кўчаси.

2. **Mansurov Mirfozil Yulchibaevich** (паспорт маълумотлари: AA6967055; 09.09.2014 йил Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани ИИБ дан берилган). **Яшаш манзили:** Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Ойбек кўчаси.

1-МОДДА

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ таъсис этувчилар «МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС» маъсулияти чекланган жамиятини ташкиллаштиришда қатнашади.

2-МОДДА

«Жамият» тулик хўжалик ҳисоби ва ўзини молиявий таъминлаш марказлашган раҳбарият тузиш ва меҳнат жамоасини ўзи бошқариш ҳуқуқларига асосан хўжалик юритишни мустақил амалга оширади.

«Жамият» амалга оширадиган фаолият турлари :

- Низомда кўрсатилган ҳар қандай фаолиятлар;
- қонунда тақиқланмаган фаолиятлар;
- белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда ташқи иқтисодий фаолият.

3-МОДДА

«Жамият» юридик шахс ҳуқуқига эга ва у ўз номидан ҳар қандай турдаги шартномалар, битимлар тузишга ҳақли, ҳамда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлишлари, мажбурият олишлари судда, ҳамда ҳолислик судида даъвогар ва жавобгар бўлишлари мумкин.

4-МОДДА

«Жамият» ўз ишини мустақил тузилган ва раис томонидан тасдиқланган жорий ва перспектив режалар асосида олиб боради. «Жамият» бошқарувчилари томонидан маъқулланган хўжалик юритиш режаси мулжалланган йилнинг 5 санасигача таъсис этувчига хабар қилинган бўлиши керак. «Жамият» фаолиятининг молиявий натижалари ҳисобчининг ҳисоботи асосида белгиланади.

5-МОДДА

«Таъсис этувчилар», «Жамият» мажбуриятлари учун жавоб бермайди ва ўз навбатида «Жамият» ҳам таъсис этувчи мажбуриятлари учун жавоб бермайди.

6-МОДДА

«Жамият» узининг фаолиятини мустақамлаш учун моддий бойликларини ташкил этади. «Жамият» мулклари пул ва моддий бадаллар, ишлаб чиқарилган бадалларни реализация қилишдан келган маблағ, халқ истеъмол молларини сотиб олиш ва бошқа фаолиятлар, ҳамда акция ва қимматбаҳо қоғозлар сотишдан ва банк кредитларидан ташкил этади.

«Жамият» маблагини ташкил этишда хар қандай корхона маблаг ва пул ўтказиш билан қатнашиши мумкин, шунингдек «Жамият»да келишув (шартнома) асосида ишлаётган фуқаролар ҳам бор.

7-МОДДА

Жамиятнинг Устав фонди **8 000 000 (саккиз миллион)** сўмдан иборат бўлиб, у таъсисчиларнинг мулкӣ улушларидан таркиб топган:

№	Фамилияси ва исми	Улуш фонзда	Улуш сўмда	Изоҳ
1.	Sheraliyev Farrux Rustamovich	50 %	4 000 000	Мулкӣ кўринишда.
2.	Mansurov Mirfozil Yulchibayevich	50 %	4 000 000	Мулкӣ кўринишда.

Ўз улушини тула кўшган иштирокчига гувоҳнома берилади ва у қимматли қоғоз сифатида тан олинмайди.

8-МОДДА

ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

«Таъсис этувчи» мажбуриятлари:

- Таъсис шартномасига асосан фаолият кўрсатиш;
- «Жамият» ривожланишига ёрдам бериш;
- «Жамият» ишларини оммавий ташкилот учётига кўйиш ҳуқуқини яратиш;
- «Жамият» нинг молиявий-хўжалик ишларига ўз вақтида тафтиш ўтказиш.

«Жамият» мажбуриятлари :

- ўз фаолиятини қатъий мазкур Таъсис шартномаси ва Низомига мувофиқ амалга ошириш;
- чорак ойининг 16-кунига «Таъсис этувчи» лар ҳисобига ажратма пулини ўтказиш.

9-МОДДА

«Жамият» ишида рентабеллик йўқолган пайтда кўрилатган зарарларни қоплаш манбалари:

- резерв фонди;
- «Жамият» мулкни сотишдан келган маблаг.

10-МОДДА

«Жамият»нинг молиявий-хўжалик фаолиятини Таъсис этувчи томонидан тузилан тафтиш комиссияси бир йилда қупи билан бир марта назорат қилади.

11-МОДДА

Томонларнинг ҳуқуқӣ манзилгоҳлари:

1-таъсисчи:	2-таъсисчи:
Sheraliyev Farrux Rastamovich Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Навоий шох кўчаси.	Mansurov Mirfozil Yulchibayevich Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани, Ойбек кўчаси.

«МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС» МЧЖ нинг юридик манзили:
Сирдарё вилояти, Сайхунобод тумани Шодлик маҳалласи, К.Муродов кўчаси.

«МИРОБ ҚУРИЛИШ-СЕРВИС»

масъуляти чекланган жамияти таъсисчилари

1. Sheraliyev Farrux Rastamovich

2. Mansurov Mirfozil Yulchibayevich

